

Кишиликнинг энг кадимги маданий ўчокларидан бири хисобланмиш Туркистон тарихий тараккиётнинг ўнкир-чўнкирларига карамай доимо ўзининг сернуфуслиги билан кўзга ташланиб келган. Ва, табиий равишда хаёт шахар ва вохалардан ташкарида — дашту биёбонларда хам кайнаган. Шунинг учун хам Туркистон халклари хаётида ўтрок, ярим ўтрок ва кўчманчилик турмуш тарзи ёнма-ён, бир-бирига гоятда боглик равишда мавжуд бўлиб келган. Хоразм, Зарафшон, Фаргона, Кашкадарё, Сурхондарё воха ва водийларида яшаган халклар минг йиллар давомида асосан ўтрок хаёт кечириб келган бўлсалар, атрофдаги чўлу биёбонларда, табиий равишда, кўчманчи, ярим кўчманчилар истикомат килган. Шу билан бирга кўчманчи мухитдан хам вакти келиб кудратли сиёсий сулолалар етишиб чиккани хам маълум. Бу, айникса, салжукийлар сулоласи мисолида кўзга яккол ташланади.
Салжукийлар туркий ўгиз кавми, таркибида дастлаб хозирги Жанубий Козогистон худудига тўгри келадиган яйловларда, Сирдарёнинг ўрта окимидаги ерларда кўчманчи хаёт кечирар эдилар. Аслини олганда худди шу вактда салжукийлар сулоласи хали шаклланмаган эди. Бошкача айтганда, салжукийлар бу этник ном эмас. Х асрда Балхаш кўлининг жанубидан то Куйи Волгагача бўлган худудда туркий халклардан бўлмиш ўгизлар яшардилар. Улар кўплаб кабила ва уругларга бўлинганлар. Ана шундайлардан бири — киник уругидан чиккан Салжук исмли шахс ўзининг фазилатлари, билимдонлиги, абжирлиги ва мардлиги оркасида обрў-эътибор козониб боради ва бир канча ўгиз кабилалари сардори, катта харбий куч бошлиги даражасига эришади. Табиий равишда бундай шахсларнинг бориб-бориб ўз давраси, таъсир доираси вужудга келади. Салжукда хам шундай бўлган. Бу эса ўз ўрнида муайян карама-каршиликларни хам вужудга келтирган. Хуллас, иктисодий-сиёсий ракобат натижасида Салжук ўз тарафдорлари билан юкорида тилга олинган Сирдарёнинг ўрта окимларини тарк этиб, дарёнинг куйи окими чап киргогида жойлашган Жанд вилояти якинига келиб ўрнашади. Бу вокеа тахминан Х асрнинг ўрталарида содир бўлган. Шу орада улар ислом динини кабул киладилар. Улар худди шу асрда Мовароуннахрни идора килаётган сомонийлар, аникроги сўнгги сомонийларни харбий жихатдан кўллаб-кувватлаганларини биламиз. Салжукийларнинг Мовароуннахр сиёсий хаётига фаол аралашуви айникса сомонийларнинг корахонийлар билан ракобати йиллари кучайди. Бу эса салжукийлар карамогидаги ўгиз кавмларининг Самарканд, Бухоро, Кеш вилоятларига бориб ўрнашишлари учун шароит яратди. Улар ўз турмуш тарзларига кўра яйловлар, даштликларда ўрнашганликлари табиий. Шахар ва вохаларда эса, аввалгидек, ўтрок туркий ахоли истикомат килаверган.
Ўгиз кавмларининг харакати икки дарё оралиги билан чекланиб колмаган. 1075 йипи

улярнинг Кир кисми (4000 оила) Махмуд Газнавийнинг розилиги ва бир неча шартлар билан Сарахс, Фарова ва Обивард атрофларидаги яйловларни ўзларига макон киладилар. Шу тарика улар Хуросонга кадам босадилар. Салжукийлар ва газнавийлар ўртасидаги илк муносабатлар хакида биз ўтган бобларда хам тўхталиб ўтгандик. Салжукийлар иложи борича Хуросонда мавжуд иктисодий, савдо ва, албатта, сиёсий шароитлардан фойдаланишга харакат килганлар. Бу ўз ўрнида шу вактда ўлкада хукмдор бўлган Газнавийлар манфаатига зид келарди. Шу тарика улараро зиддият пайдо бўлади. 1040 йилга кадар улар бир неча марта ўзаро тўкнашганлар. Охири эса кўрсатилган йили Дандониконда салжукийлар газнавийларни маглубиятга учратадилар. Бу вактга келиб Салжук аллакачон охиратга равона бўлган, унинг хонадони сиёсий фаолиятига эса наби-раси Тўгрулбек (1038—1063) бошчилик киларди. Хуллас, 1040 йили Тўгрулбек Хуросон хукмдори деб эълон килинади ва шу тарика дунё салтанатлари тарихида яна бир кудратли сулоланинг расмий юксалиш йўли бошланади.
XI асрнинг мазкур 40-йилларидаёк салжукийлар Хоразм, Эрон, Кавказортига харбий юришлар уюштирадилар. 1055 йили эса Тўгрулбек халифалик пойтахти Багдодни эгаллайди ва ўз номига хутба ўкиттиради. Тўгрулбек хаётлигидаёк салжукийлар Эрон, Ирок, Кавказорти ўлкаларини ўз таъсир доираларига тортган эдилар. 1071 йили эса кейинги салжукий хукмдор Султон Алп Арслон (1063—1072) Кичик Осиёда Византия подшоси Ромен IV Диогенни енгиб, ўзини асирга олади. Бу ўз ўрнида салжукийларнинг Кичик Осиё ва Якин Шаркда мустахкам ўрнашиб олишлари учун катта замин тайёрлайди. Султон Маликшох (1072—1092) замонида Самарканд, Бухоро, Ўзганд (Фаргона) хам салжукийлар кўл остида бирлашади. Шаркий Туркистондаги корахонийлар хам салжукийлар устунлигини тан оладилар. Султон Маликшох хукмронлиги даврида салжукийлар салтанати Шаркий Туркистондан Ўрта денгизгача бўлган худудни ўз ичига олтан.
Шу билан бирга, авваллари хам кўрганимиздек, хар кандай салтанатнинг ўз юксалиш боскичи бўлиши билан бирга парчаланиш, инкироз йўлига кириш даври хам бўлади. Салжукийлар салтанатининг заифлашиб парчаланиш жараёни эса XI асрнинг иккинчи ярмида бошланади. Бундай жараён сабабини салтанатнинг хаддан ташкари улкан худудда ястанганлиги, бунинг окибатида уни бир марказдан туриб бошкарувдаги маълум кийинчиликларнинг вужудга келиши, расмий сулоланинг кўплаб намояндалари, махаллий хукмдорларнинг мустакилликка интилишлари, карам ўлкаларнинг табиий равишда норозилиги, каршилиги кабилар билан тушунтириш мумкин.
Кискаси, XI асрнинг иккинчи ярмидаёк салжукий-лар хонадони вакиллари фаолияти билан боглик Сурия, Ирок, Анатўлия (Кўня), Кермон султонликлари юзага келади. Сулола ички низолари кескинлаша бориб, XII аср бошларидаёк салтанат шаркий ва гарбий кисмларга бўлиниб кетади (ашиналийлар, корахонийларнинг хам ички низолар сабабли худди шундай кисмларга бўлиниб кетганини эслайлик). Шаркий кисм асосан Хуросон ва Мовароуннахрдан иборат бўлиб колди. Унинг чегаралари, таъсир доираси катъий бўлмай ўзгариб турган. Чунончи, Султон Санжар (1118—1157) кудрати авжига чиккан вактларда гарбий салжукийлар (Эрон, Ирок, Озарбаижон) унинг, яъни шаркий салжукийларнинг сиёсий таъсирида бўлганлар. 1141 йили Мовароуннахрга шаркдан корахитойларнинг бостириб кириши билан эса Султон Санжарнинг хам кучи киркилди. Корахитойларга карши салжукийлар корахонийлар билан биргаликда лашкар тортган бўлсаларда, аммо маглубиятта учрайди-лар. 30 минг киши, жумладан, 3—4 минг амиру амалдорлар хам халок бўлади. Бу ўз ўрнида салжукийларга карам бўлган Хоразм

сулолаларининг юксалиши учун шароит яратади. Худди шу ердан чиккан хоразмшохлар (ануштегинийлар) XII асрнинг иккинчи ярмида гарбий салжукийларга зарба берадилар. Шаркий салжукийлар фаоли-ятига эса Султон Санжар ўлимидан кейин чек кўйилади. Бошкача килиб айтганда, XII аср охирига келиб Кичик Осиёдаги Анатўлия (Кўня) султонлигидан ўзга бирон-бир маконда расмий салжукий хонадони колмайди. Анатўлия (Кўня) султонлиги эса XIII аср ўрталарида мўгулларга карамликка тушади. Аммо нима бўлганда хам худди мана шу салжукийлар туфайли Кичик Осиёга туркий тилли кавмларнинг бориб ўрнашиши жараёни кучаяди ва бориб-бориб мазкур минтакада туркий давлат ва миллатга асос солиниши учун тегишли замин яратди. Шунинг учун хам хозирги Туркиядаги туркий тилли халк Туркистонни ота юртимиз, яъни тарихий ватанимиз, деб эътироф этади.
Энди салжукийлар даври давлат курилиши масаласига тўхталсак. Давлат тепасида олий хукмдор макомида салжукийлар хонадони намояндаси турган. У Султон (Султон ул-аъзам) унвонига эга бўлган. Унинг номидан хутба ўкилиб, танга зарб этилган. Тахт отадан болага мерос сифатида ўтган. Мулк, ер-сув таксимлаш, мухим давлат ва бошкарув мансабларига тайинлаш, давлат кирим-чикимларидан бохабар бўлиб туриш, кўл остидаги амалдорлар ва хизматкорлар фаолиятини назорат килиб туриш унинг хак-хукуклари ва вазифалари сирасига кирган. Шунингдек олий хукмдор ўз мансабдорла-ри, хизматкорлари уетидан тушган ариза ва шикоятларни, амалдорларнинг даромади, солик тўпловчилар, уларга бошчилик килувчиларнинг фаолиятини назорат килиб бориши керак бўлган. Мамлакат ободонлиги, сунъий сугориш тизимларини барпо этиш, кўприклар куриш, кишлокларни обод этмок, экинлар ахволидан бохабар бўлиш, калъалар, янги шахарлар барпо этиш, олий бинолар куриш, катта йўллар узра работлар (мех-монхоналар) бино этиш, мадрасалар очиш каби катор савобли ва хар кандай давлат ривожи учун зарур бўлган тадбирларни амалга ошириш хам олий хукмдор зимма-сида бўлган. Низомул мулк хукмдорнинг фукароларга муносабатини шундай белгилаган: «Подшохнинг бир хафтада икки кун зулм кўрганларни кабул килмасдан иложи йўк. У зулмкорни жазоламоги, инсофга чакирмоги, раиййат сўзларини ўз кулоги билан воситачисиз эшитмоги керак. Арзчилар энг мухим сўзларини айтмоклари, (хукмдор эса) улар бўйича хукм чикармоги лозим. Шунда мамлакатда подшох эзилган ва адл ис-товчиларни хафтада икки кун кабул килиб, уларнинг сўзини тинглар экан, овозаси таркайди. Золимлар бундан чўчийдилар, кўлларини калта киладилар».
Газнавийлар, корахонийлар, сомонийлар мисолида кўрганимиздек, салжукийлар бошкарув тизими хам иккига: даргох ва девонларга бўлинган. Даргохдаги энг асосий хизмат ва вазифаларни кўрсатиб ўтамиз: улуг хожиб — даргохдаги султонга энг якин киши, даргох билан девонлар ўртасидаги алокаларни мувофиклаштириб турувчи, расмий кабулларни уюштирувчи. Хорис амири (амири хорис) султон чикарган жазо хукмларини ижро этиш билан шугулланган. Саройдаги курол-аслаха, айникса, султонга тааллукли нарсаларни саклаш ишини салохдор олиб борган. Даргох ишларини бошкарувчи хос вакил, султон байрогини тутувчи аламдор дейилган. Султон ва даргох хавфсизлигини таъминлаш жанддорга юклатилган. Шунингдек даргох фаолиятини таъминлашда жомадор, шаробдор, чашнегир (султоннинг овкатланишига масъул), сарханг, мирохур, таштдор каби мансабдорларнинг хам ўз ўрни бўлгани маълум.
Салжукийлар бошкарув тизимида хам бош вазир хизмати алохида ахамият касб эттан. У марказий бош-карув (девони аъло) тепасида турган холда мавжуд барча девонлар (вазирликлар) фаолиятига рахбарлик килган. Хазина, молия, солик, давлатга тегишли

ишлаб чикариш муассасалари ишини назорат килиш унинг гарданида эди. Манбаларда бош вазирни раис ур-руасо (раисларнинг бошлиги), саъид ур-руасо (бошликлар-нинг каттаси), деб таърифлашларига кўра айтиш мумкинки, унинг фаолияти мамлакатнинг ички ва ташки сиёсатидаги барча сохаларга тегишли бўлган. Чунончи, у султон номидан карам ўлкалар хукмдорлари, хори-жий давлатлар намояндалари билан мулокот ва музокарада бўлиш хукукига эга эди. Иккинчи томондан, шунчалик кенг кўламда фаолият кўрсатиш унинг бир ўзига огирлик килгани табиий. Шунинг учун хам бош вазир ўзининг махсус вакиллари, назоратчилари оркали хам иш юритган. У хизматчиларни ишга олиш, уларга маош тайинлаш, ишдан бўшатиш каби ваколатларга хам эга бўлган. Хуллас, бош вазирнинг хак-хукуки катта бўлган. Шу билан бирга у ер-мулк таксимлаш борасида хукуксиз бўлган. Мазкур ваколат султон ихтиёрида колган.
Шахзодалар ва маликалар хам ўз вазирларига эга эдилар. Аммо бу хол давлат манфаатларига зид эканли-гига ўз вакгида салжукииларнинг бош вазири лавозимида фаолият кўрсатган машхур Низомул мулк (1018 ёки 1020—1092) ишора этганди: «Качонки, подшохлик иши аёллар ва гўдаклар кўлига ўтса, билгинки, подшохлик ўша хонадонни тарк этгай».
Девонлар тўгрисида сўз очарканмиз, уларнинг икки тоифага булинишини таъкидлаш лозим: сулолавий ва расмий девонлар. Номидан хам кўриниб турганидек, сулолавий девон хукмдор хонадон фаолияти билан боглик бўлиб, унга тегишли мол-мулк, ер-сув, хазина ва бошкалар бошкаруви, хисоб-китоби, олйк-солиги каби вазифалар билан шугулланган. Расмий девонлар куйидагилардир: девони тугро, девони истифо, девони иш-роф, девони арз. Тугро девони мазкур девонлар ичида энг мухими хисобланиб, унинг бошлиги бош вазир ўринбосари мавкеида бўлган. Бу девонда олий хукмдорнинг фармонлари, карорлари, расмий ёзишмалари ва хужжатлари тайёрланиб, кейин унга мухр бостириш-га такцим этиларди. Жойларга расмий хужжатлар юбориш, улардан хужжатлар кабул килиш, чет элларга мактублар юбориш, давлат хужжатларида махфийликни таъминлаш кабилар шу девон хизматчилари назорати остида эди. Бу девонга хизматга хар ким хам олинавермасди.
Кейинги вазирлик бу истифо, яъни молия девони. Давлат кирим-чикимлари, соликлар, бож ва бошка молиявий даромадлар, уларни алохида рўйхатга олиш худди шу девон ихтиёрида мужассамлашган. Бу вазирлик жойлардаги бўлимлари оркали тегишли рўйхат ва микдорларда солик йигиш, килинган ишларни алохида дафтарларда кайд этиш билан шугулланган. Бўлимлар марказга хар бир тадбир, масалан, солик йигиш бўйича алохида ва батафсил хисобот ёзиб берганлар. Истифо девони хак-хукуклари нечоглик бўлганлигини шундан хам билса бўладики, унинг хизматчилари (муставфийлар) хатто даргох кирим-чикимлари, хазинадаги ахвол, мавжуд накд пулнинг хисоби, давлат карамогида бўлганларга кетадиган харажат, маош, нафака микдори кабиларга хам тўгридан-тўгри аралашганлар, назорат килганлар.
Яна бир вазирлик бу ишроф девонидир. Унинг бўлимлари вилоятлар ва шахарларда хам фаолият кўрсатган. Бир сўз билан айтганда, бу хизматнинг мохияти давлат назорати тушунчасини беради. Бунинг исботини ишроф хизматининг фаолият доираси оркали хам билиб олиш мумкин: молия-солик хисобларини на-зорат килиш ва текшириш, вакфга тегишли мулклар устидан умумий назорат олиб бориш, сулолага тегишли ер-сувлар, кимматбахо молия когозлари, зарбхоналар, амалдаги мухрлар, бозорлар мутасаддилари, соликчилар, кишлок оксоколлари ва бошка амалдорлар устидан назорат олиб бориш. Назорат ўз ўрнида махфий хам бўлган.

Девони арз ўзига хос харбий муассаса (харбий вазир-лик) бўлиб, лашкарга мўлжалланган маош ва таъминот (озик-овкат ва кийим-кечак), харбийларнинг рўйхати, янгиланиб туриши, харбий кисмларнинг таркибий сони, уларга кетадиган харажатларнинг тури ва хажми, транспорт, харбий юришлар чогидаги таъминот, вакги билан харбийлар кўригини ташкил этиш кабиларга масъул эди. Мазкур девон ва умуман девонлар тизими иши кандай йўлга кўйилганини куйидаги мисол оркали яккол тасаввур килиш мумкин. Лашкардаги бирон-бир хизматчининг маоши ошириладиган ё кискартирилади-ган бўлинса, бу хакда, энг аввало молия-солик идоралари билан келишиб олиниши зарур хисобланган.
Махаллий бошкарув тизимига келсак, вилоят бошликлари (волий) хам ўз девонларига эга бўлганлар. Во-лийларни олий хукмдор тайинлаган. Улар бутун вилоят хаёти билан боглик барча сохаларга бошчилик килганлар: молия, солик, суд, харбий ишлар, жазо идоралари волий назорати, тасдиги, измида фаолият кўрсатганлар.
Туман, шахар микёсидаги бошкарув тизими хам вилоятларники каби бўлган, факат харбий фаолият бундан мустасно эди.
Салжукийлар даври иктисодий муносабатлар ахво-ига келадиган бўлсак, албатта, биз бутун салтанат, яъни Мовароуннахрдан Ўрта денгизгача бўлган худудда кечган иктисодий муносабатлар тўгрисида фикр юритмай, асосий эътиборни мазкур масаланинг минтакага алокадор томонларига тўхталиб ўтсак тўгри бўлади.
Шу маънода ўз даври учун катта ахамият касб этган дехкончилик ривожланиб бориб, бунга асосан сунъий сугориш тизимларининг кенгайиб, мукаммаллашиб бо-риши кенг йўл очиб берган. Чунончи, сув тўгонларини таъмирлаш, янгиларини куриш, ер ости ва ер усти сув иншоотларини барпо этиш, дехкончиликнинг илгор усулларидан фойдаланиш, сунъий сув хавзаларини яра-тиш каби тадбирлар ўша замон дехкончилиги тараккиётидаги асосий омиллардандир. Галлачилик, богдор-чилик, полизчилик, сабзавотчилик, пахтачилик, пиллачилик сохаларидаги ютуклар хам илгариги даврлар ва бошка минтакалардан кам бўлган. Чунончи, Хоразм ковунлари, Журжон (Гургон) хурмолари, шакаркамиши, лимонлари, Нисо узумлари, бехилари, баклажонлари, Марв бугдойи нафакат минтакада, балки ундан ташкарида хам шухрат козонган эди.
Дехкончилик сохасининг ривожи, албатта, хунармандчилик тараккиёти учун тегишли асос яратиб бера-ди. Салжукийлар даври хам бундан мустасно эмас. Шунинг учун хам ёзма манбалар, археологик изланишлар натижалари берган гувохдикларга назар солинса, тўкимачилик (ип газлама, ипак, зигирпоя толасидан тайёр-ланган матолар ишлаб чикариш), кулолчилик (коса, хум, кўза, пиёла ва бошка махсулотлар ишлаб чикариш), гиламчилик, заргарлик, ойнасозлик, темирчилик, кўн-чилик каби катор сохалар хам ички, хам ташки талаб ва эхтиёжларни кондириш йўлида тараккий этиб борган.
Яна бир мухим соха бу савдо-сотикдир. Савдо-сотикнинг ривожланишида ишлаб чикариш (дехкончилик, хунармандчилик) билан бир каторда улкан иктисодий-савдо маконининг мавжудлиги хам мухим ўрин тутган. Албатта, бундай маконни яратиш осон бўлмаган. Шахарларда бозорлар ахволини яхшилаш, гартиб ўрнатиш, карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш, маълум масофаларда работлар, тўхташ жойлари бино этиш, пул муомаласини назорат килиш каби катор мухим тадбирларни доимо амалга оширишга |ўгри келган. Бунинг натижасида минтаканинг Урта ва Якин Шарк, Шаркий Европа, Хиндистон, Хитой каби мамлакат ва ўлкалар билан савдо алокалари гуркираб борган. 1087 йили Султон Маликшох Шарк ва Гарб йўналишлараро савдони янада жонлантириш ниятида Хуросон ва Ирок савдогарларини баъзи бир савдо гўловларидан озод этган.

Савдо-сотикда курукликдан гашкари Каспий денгизи имконларидан хам окилона фойдаланишга интилингани маълум. Каспий денгизи оркали Туркистонга нефть махсулотлари келтирилганини биламиз. Ё бўлмаса Сирдарё куйи окими, ўнг киргоги ерларидан чикадиган мушк, олтин, кумуш смбилар нафакат ташки бозорда, балки минтаканинг ўзида хам гоятда кадрланган. Умуман олганда, минтака бозорларида кимматбахо мўйна, коракўл териси, тузланган балик, морж козик тишидан тортиб курук мева, нафис матолар, кимматбахо тошлар, такинчокларгача топиш мумкин эди.
Пул муомаласига келсак, энг юкори даражадаги пул бирлиги ўрнида соф олтиндан зарб этилган динор (кизил динор) кабул килинган. Таркибида олтиндан ташкари кўшимча металл аралашмаси бўлган ва махаллий ахамият касб этган динор хам бўлиб, уни рукний деганлар. Шунингдек муомалада мис дирхамлар хам бўлиб, улар асосан ички бозорга мўлжалланган. Салжукийлар даврида хам чек, аккредитив, вексел туридаги накд пулсиз муомала килиш тизими амалда бўлганини алохида таъкидлаш лозим.
Салжукийларнинг ташки алокалари хакида нима дейиш мумкин. Салтанатнинг Шаркий Туркистондан Ўрта денгизгача ястаниши географик жихатдан уларни тўгридан-тўгри тарихий Хитой ва Византия билан чегарадош килиб кўйди. Хитой хам, Византия хам бундан хавфсираши турган гап эди. Шуннинг учун хам улар ило-жи борича салжукийларнинг заифлашиб боришидан манфаатдор эдилар. Бунда «чўгни бировнинг кўли билан ушлаш» сиёсатидан унумли фойдаланишга кўп харакат килинган. Чунончи, салжукий Султон Маликшох даврида Византия дипломатик йўллар билан Хитойни салжукийларга карши гиж-гижлаб, улар ўртасида уруш чикаришга обдон харакат килгани маълум. Аммо Сун хонадонидан бўлмиш Хитой хукмдорлари урушдан кўра савдо алокалари кўпрок манфаатлирок эканини англаган ходда «шайтон йўлидан» юрмайдилар. Византия бу билан тинчимай энди тўгридан-тўгри гарбда, Европанинг ўзида салжукийлар, аникроги «мусулмонлар хавфи»ни байрок килиб, уларга карши курашга даъват кила бошлайди. Вахоланки, ислом динини эндигина кабул китган салжукийлар исломни ё унинг «хавфи»ни элтувчи куч бўлолмасдилар. Зеро, ислом дини зухуридан кейин дин байроги остидаги бирон-бир юриш, истило йўкким, асл максади ва манфаати билан сиёсий, иктисодий мўлжаллар билан уйгунлашмаган бўлсин. Демак, салжукийлар Византия учун, энг аввало сиёсий, халкаро савдо муносабатларида катта ракиб хисобланарди. Одат-да, ракибни енгиш иши унга нисбатан кўпчилик фикри, яъни мафкурасини карши кўйишдан бошланганидек, Византия салжукийларнинг харбий-сиёсий хавфига карши мафкура, эътикод омилини кўиди. Бундан Рим черкови ва бошка Европа мамлакатлари иложи борича фойдаланишга харакат килдилар. Шу тарика XI асрнинг сўнги ўн йиллигида мафкура бўёклари билан чапланган, аслида таъсир доиралар курашидаги бир харакатгина бўлган салиб юришлари бошланган. Салибчиларнинг шаркка караб харакатларини киркишда салжукийларнинг хизматлари катта бўлган.
Салжукийлар ўз тобелигида бўлган юртларда фан ва маданият тараккиёти учун барча шарт-шароитни яратиб беришга интилганлар. Салжукийлар хонадонига мансуб олий хукмдорми, шахзодами ё маликами, хаммалари мамлакатдаги бирон-бир шахарда бир ё бир нечта мадраса куришни ўз вазифалари, деб билганлар. Вазирлар, амирлар, махаллий хокимлар хам урнак олиб иш тутганлар. Чунончи, тилга олганимиз машхур вазир Низомул мулк ўз даврида кўплаб мадрасалар курдирган. Хар бир мадрасада ўнлаб, юзлаб илм толиблари хам диний, хам дунёвий сохаларда билим олганлар. Мадрасаларда хам табиий-аник фанлар хам ижтимоий-диний билимлардан тахсил

олинган. Ўкувчиларга ойлик нафака бериб борилиб, жой билан хам таъминланган, уларни ўз даврларининг етук олимлари ўкитганлар, илм толибларининг ихтиёрида кўп минг жилддан иборат кутубхоналар бўлган. Баъзи бир мадрасаларда ўкувчилар сони минглаб бўлганини биламиз. Масалан, Низомул мулк томонидан асос солинган Низомия мадрасаларидан бирида олти минг нафар талаба яшаб, таълим олгани маълум.
Илму маърифатга бўлган анъанавий жиддий эътибор салжукийлар даврида хам ўз ахамиятини йўкотмади ва буни юкорида таъкидланган ўнлаб мадрасаларнинг барпо килиниши оркали хам билиб олишимиз мумкин. Ахвол хакикатан хам шундай бўлганини ўша замонда яшаган буюк олимлар, шоирлар фаолияти хам тасдиклайди. Баховиддин Абубакр Марвазий, Шарафиддин
Тусий, Абулхасан Али Марвазий, Умар Хайём, Музафар Исфизорий, Захириддин Газнавий каби хандасачилар, юлдузшунослар, риёзиётчилар, Мухаммад Илокий, саййид Исмоил Журжоний, Фахриддин Розий каби табиблар, кимёгарлар, Муъизий, Анварий, Собир Термизий, Асириддин Ахсикатий, Рафъий Марвазий каби йирик шоирлар шулар жумласидандир. Одатдагидек, улар ўз замонларининг барча илмларидан хабардор бўлганлар. Масалан, Умар Хайёмни биз кўпрок машхур шоир, аникроги, тўртликлар устаси сифатида таниймиз. Вахоланки, у етук юлдузшунос ва риёзиётчи хам эди. Хайём иштирокида расадхона лойихаси чизилиб, сўнг бир йил ичида барпо этилган. Унда олиб борилган кузатишлар ва бошка изланишлар натижасида 1097 йили Умар Хайём Султон Маликшох топширигига кура янги таквим (календарь) тузади. Унинг аниклиги Григорий календаридан хам юкори бўлишига карамай амалда жорий килинмасдан колиб кетган. Бундан ташкари математика тарихида сонлардан бутун мусбат илдиз топишнинг умумий коидасини биринчи исботлаб берган хам Умар Хайёмдир.
Ё бўлмаса, кутубхоналар ахволини олайлик. Билим ва маърифат таркатишда, буюк аждодларимиз тарихий-маданий меросини саклашда катта ахамият касб этган бундай муассасалар салжукийлар даврида бир талай эди. Тарихчи ва сайёх Ёкут Хамавий (1179—1229) Марвда бўлганида бу ерда ўнта йирик кутубхона борлигини кўрган. Мазкур кутубхоналарда сакланаётган китоблар киммати ва сони жихатидан дунёда бирон-бир кутубхона унга тенг келолмайди, деб ёзганди тарихчи.
Хуллас, салжукийлар даври ва фаолияти хакида кўп ёзиш мумкин. Аммо бир нарса аникки, Туркистондан чиккан намоянда сифатида салжукийлар мазкур минтаканинг сиёсий, иктисодий, маданий-маърифий сохадаги кўп асрлик тажриба ва анъаналарига суянганлар, бахоли кудрат ўз фаолиятларида уларни давом эттиришга харакат килганлар.

Азамат Зиё